

## АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-ф-сонли Фармойиши асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги “*Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида*”ги 116-сонли буйруғида белгиланган қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси томонидан 2020 йил 4 июль куни “**Роман ва герман тилшунослигининг долзарб масалалари**” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилиши режалаштирилган.

Конференцияда қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

- 1-шўъба.** Хорижий тилларни ўқитиш методикасида янги инновацион педагогик технологияларнинг роли.
- 2- шўъба.** Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари
- 3-шўъба.** Коммуникатив, прагматик ва когнитив тилшуносликнинг долзарб масалалари.
- 4- шўъба.** Тилшуносликнинг лингвомаданий, гендер ва этнолингвистик муаммолари.
- 5- шўъба.** Оғзаки ва ёзма таржимага ўргатишда замонавий педагогик технологияларнинг роли.

Конференцияга мақолалар **2020 йил 25 июнга** қадар қабул қилинади.

Анжуманда ОТМ профессор-ўқитувчилари, умумий ўрта таълим мактаб чет тил фани ўқитувчилари, докторант, мустақил тадқиқотчилар, шунингдек, магистр ва иқтидорли талабалар ўз мақолалари билан қатнашиши мумкин.

### Мақолаларни расмийлаштириш тартиби:

➤ Конференцияга тақдим этиладиган мақолалар матни ўзбек, инглиз, француз, немис ва рус тилларида қабул қилинади. Мақолалар таҳририятга электрон шаклда топширилади. Мақолаларнинг ҳажми *4 саҳифадан кам бўлмаслиги тавсия этилади*. Мақолалар *Microsoft Word* матн муҳарририда *Times New Roman* шрифтида терилади. *Юқоридан 2,0 см, пастдан 2,0 см,*

чапдан 3,0 см, ўнгдан 1,5 см қолдирилади. Мақоланинг *биринчи сатрига катта ҳарфлар* билан унинг номи ўрта қисмига жойлаштирилади. Мақола номидан *сўнгги сатрида* муаллифларнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими ва иш жойи келтирилади.

➤ Асосий матн *14 шрифт, 1,5 интервалда* терилади.

➤ Мақолани нашр этиш харажатлари: 1 бет учун 20 000 (йигирма минг) сўм.

➤ Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола матнидан сўнг келтирилиб, *12 шрифтда, автоматик рақамланмасдан* терилади ва **Фойдаланилган адабиётлар** деб номланади. Манбалар *алифбо тартибда*, аввалига кирилча, кейин эса лотин ва бошқа ёзувлардаги адабиётлар жойлаштирилади. Адабиётларнинг библиографик маълумотлари *белгиланган стандарт тартибда* келтирилиши лозим. Рўйхатдаги ҳар бир манбага мақола матнида [1] кўринишида ҳавола қилиниши талаб этилади, ҳавола қилинмаган адабиётлар библиографик рўйхатга *киритилмаслиги керак*. Агар мақола матнига бирор манбадан олинган жумла тўлалигича **ҳавола** қилинган бўлса [3, 65] кўринишида берилади.

Мақолалар электрон ёки қоғоз шаклида қуйидаги манзилга (электрон почтага) жўнатилади: **Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 104-уй, Роман-герман филологияси факультети.**

**Клик ёки Рау те орқали тўлов учун карта рақами:**

**8600 1402 6621 3041 Нишонов Патхиддин Пайзибоевич.**

**Мурожаат учун телефонлар:** +99890 955 -79- 96 телеграмм учун.  
+99894 645-54-49 мулоқот учун (Ж. Якубов масъул),  
+99897 758-15-99 телеграмм ва мулоқот учун  
(П. Нишонов масъул).

**E-mail:** [yakubov1955@mail.ru](mailto:yakubov1955@mail.ru) ; [nishonov\\_69@mail.ru](mailto:nishonov_69@mail.ru)

**ИЗОҲ- Мақолаларингни телеграмм ёки электрон сайтларга жўнатишингиз мумкин.**